

# رمضان

## МИНГ ОЙДАН АФЗАЛ КЕЧА

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**Муҳтарам жамоат!** Аллоҳга беҳисоб ҳамду саноларимиз бўлсинки, биз уммати муҳаммадияга Рамазон ойида фазилатли кечани ато этдики, аввалги умматларга берилмаган эди. Бу кечанинг номи Қадр кечаси дейилади. Аллоҳ таоло Қуръони каримни Рамазон ойининг Қадр кечасида нозил қилган. Қуръони каримда шундай мараҳамат қилинади:

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ وَمَا أَدْرَاكُ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ تَنَزَّلُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِّنْ كُلِّ أَمْرٍ سَلَامٌ هِيَ حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ (سورة القدر/1-5)

яъни, «Албатта Биз уни (Қуръонни Лавҳул-маҳфуздан биринчи осмонга) Қадр кечасида нозил қилдик. (Эй Муҳаммад), Қадр кечаси нима эканини сизга не ҳам англатур? Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. Унда фаришталар ва Рух Парвардигорларининг изни билан барча ишларни олиб (осмондан Ерга) тушарлар» (Қадр сураси, 1-5-оятлар). Аллоҳ таоло яна бундай хабар берган:

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ... (سورة البقرة/185).

яъни, “Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тӯғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган оидир...”. (Бақара сураси, 185-оят).

**Муҳтарам жамоат!** Бу муборак кечанинг қадри улуғдир. Қадр сўзи икки хил маънода-қадри улуғ, иккинчisi, миқдор, яъни бандаларнинг тақдирини белгилашдир. Унда инсоният тарихида мисли қўрилмаган бир кеча ҳақида-инсонларга дунё ҳаётидан чин инсоний ҳаёт кечириб ўтиш йўл-йўриқларини кўрсатиб берадиган сўнги мукаммал илоҳий дастуруламал бўлмиш Қуръони карим нозил бўла бошлаган нихоятда қадрли Қадр кечаси ва унинг фазилатлари ҳақида сўз боради. Қадр кечаси шарофатли хукмлар чиқариш ва ўлчаш-белгилаш, Аллоҳ таоло томонидан ушбу кечада Ўзи хоҳлаган кишига ризқ-насиба белгиланиши ва бу ишлар тақсимотини тадбир қилувчи фаришталарига топшириш кечаси бўлгани учун Парвардигор Ўз элчиси эътиборини шу фазилатли кечага қаратмоқда. Буюк-ватандошимиз аллома Абул Қосим Замаҳшарий (р.ҳ.) айтади: “Бу сурада Аллоҳ таоло Қуръони каримни уч усул билан улуғлаган: биринчisi, Қуръони каримни нозил этишини фақат Ўзига мансуб

қилган, иккинчиси, унинг улуғлиги ва шарафини билдириб, номини очиқ айтмай, ишира билан келтирган, учинчиси, Қуръон нозил қилинган вақтнинг қадрини оширган."

Аллоҳ таоло мазкур сурада "Қадр кечаси"нинг даражасини баланд қилди. Бунинг асосий сабабларидан бири бу кечада Қуръони каримнинг нозил бўлғанлигидир. Бу кечанинг улуғлиги ҳақида Абу Лайс Самарқандий тафсирида шундай дейилган: «*Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллам)*: «*Инсонларнинг амалларини кўряпман*», *дедилар*. Гўё у зотга умматларининг умрлари қисқа, шу сабабли уларнинг амаллари олдин ўтган пайгамбарлар умматларининг амаллари даражасига етмаётгандек туюлди. Шу боис Аллоҳ таоло у зот ва умматларига Қадр кечасини берди».

Мужоҳид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича: «*Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллам)* *Бани Исроилдан бир киши Аллоҳ йўлида минг ой хизмат қилиб юрганини айтдилар*. Мусулмонлар бундан роса ажабланишиди. Шунда Аллоҳ таоло ушибу суранинг дастлабки уч оягини тушириди» (Ибн Жарир ривояти).

Демак, Қуръони мажид Рамазон ойининг ана шундай қадри улуг, муборак Қадр кечасида нозил қилина бошлаган.

Қадр кечаси Рамазон ойининг неchanчи кечаси эканини Аллоҳ ва Расули томонидан сир тутилган эди. Лекин саҳобалар Расулуллоҳдан (а.с.) уни аниклаб беришларини кўп сўрашганидан кейин дастлаб ойининг учинчи ўн кунлигидан, кейинроқ тоқ кечаларидан излаш кераклигини айтганлар. Охири у кечанинг аломатларини айтганларидан сўнг 27-кеча экани маълум бўлган (Имом Бағавий тафсиридан). Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам:

"مَنْ قَامَ لِيَلَةَ الْقَدْرِ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقدَّمَ مِنْ ذَنبٍ"

(رواه مسلم و البخارى و الترمذى)

яъни: «*Ким Лайлатул-Қадр кечасини имон ва ихлос билан бедор ўтказса, унинг шу кечагача қилган гуноҳлари мағфират қилинур*» (Муслим, Бухорий, Термизий ривояти), дедилар.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам*:

"فِي مسند أَحَمَدَ عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّابِرِ أَنَّهُ سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ لَيْلَةِ الْقَدْرِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: فِي رَمَضَانَ، فَلَتَمْسُوهَا فِي الْعَشْرِ الْأُوَّلَيْنَ، فَإِنَّهَا فِي وَثْنٍ فِي إِحدَى وَعِشْرِينَ أَوْ ثَلَاثَةِ وَعِشْرِينَ أَوْ خَمْسِ وَعِشْرِينَ أَوْ سَبْعِ وَعِشْرِينَ أَوْ تِسْعِ وَعِشْرِينَ أَوْ فِي آخِرِ لَيْلَةٍ، فَمَنْ قَامَهَا ابْتِغَاءَهَا إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا ثُمَّ وُفِّقَ لَهُ غُفْرَانُهُ مَا تَقدَّمَ مِنْ ذَنبِهِ وَمَا تَأْخَرَ"

яъни, «*Қадр кечаси Рамазон ойининг охирги ўн кунлигидадир. Ким унда имон билан Аллоҳ розилиги учун ибодат қилса, албатта Аллоҳ аввалгию охирги гуноҳларини кечиради. У тоқ кечада бўлади. Йигирма биринчи ёки йигирма учунчи ёки йигирма бешинчи ёки йигирма еттинчи ёхуд йигирма*

*түўккизинчи ё охирги кече Қадр кечасидир», деганлар» (Имом Аҳмад ривояти).*

Демак, Рамазон ойининг охирги ўн кунлигига тоат-ибодат қилишга қаттиқ киришиш ҳам лозим бўлади.

Бу ҳақда жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар. Ойша онамиз розияллоҳу анҳо ривоят қиласидар:

**"كَانَ النَّبِيُّ اللَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْعَشَرَ مِنْ رَمَضَانَ أَحْيَا لَيْلَهُ وَأَيْقَظَ أَهْلَهُ"**

яъни, **"Расулуллоҳ (с.а.в.) Рамазоннинг охирги ўн кунлиги келса, кечалари ухламас эдилар ва уйдагиларни ҳам ибодат қилишга уйғотар эдилар".**

**Азиз намозхонлар!** Рамазон ойидаги Қадр кечаси фазилат бобида минг ойдан ҳам яхши ва мўътабардир, бу кечада қилинган ибодатлар минг ойда қилинган ибодатлардан яхшироқдир. Оятдаги «минг ой» жумласи маълум вақт ҳажмини қўрсатиш учун эмас, мисол тарзида келган бўлиши мумкин. Яъни, Қадр кечаси минг ой ва ундан ҳам кўпроқ муддатдан яхшидир, деган маънени ҳам билдиради. Чунки бирор миқдор айнан ўша ададни баён қилиш учун гоҳо у боғланган нарсанинг шарафи ва улуғлигини баён қилиш учун келтирилади.

Қадр кечасида Аллоҳ таолонинг амри билан фаришталар хар бир осмондан ва Сидратул-мунтаҳодан Ерга тушишади, тонг отгунича инсонларни дуо қилишади ва дуо қилганларга қўшилиб «омин» деб туришади. Кўпчилик муфассирларнинг фикрича, фаришталар бу кечада яна кейинги йил учун бўлажак Аллоҳ таолонинг қазои қадари билан ҳам ер юзига тушишади. Замахшарий (раҳматуллоҳ алайҳ) айтади: «Қадр кечаси ишлар тақдир ва хукм этиладиган кечадир. Духон сурасининг 4-оятида ҳам:

**فِيهَا يُفَرَّقُ كُلُّ أَمْرٍ حَكِيمٌ** (سورة الدّخان/4)

яъни, **«...У (муборак кечада) барча ҳикматли иш(лар) ажрим қилинур...»** деб баён этилган». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло Бароат кечасида тақдир қилинган нарсаларни тайин этади, Қадр кечаси келганида уни ўз эгаларига топширади», деганлар. Улар Аллоҳ азза ва жалла изнисиз ҳеч бир ишни қила олишмайди.

Қадр кечаси тонг отгунига қадар турли оғат-балолардан омонлик, хотиржамлик, барака кечасидир. Бу кечада шайтон ёмонлик қила олмайди. Қадр кечаси бошдан-охир фақат саломатлик, омонлик, яхшилик ва баракот билан тўладир, унда асло ёмонлик йўқдир. Қуёш ботганидан то тонг отгунга қадар бу ҳол давом этади. Тонг отгунича фаришталар гурух-гурӯҳ бўлиб, раҳмат билан Ерга тушишади.

Аллоҳ таоло ўша кечанинг баракотидан минг ойлик ибодатнинг ажру савобидан кўра яхшироқ ажру савоб беришидан умидвор бўлиши керак. Қадр кечанинг ва ундаги бедорлик, ибодат, намоз, Қуръон тиловати ҳамда илтижо, тазарруъ, дуолар фазлидан ўтган гуноҳларни кечиришидан умидвор бўлиши керак. Лекин яна шу нарсани ҳам унутмаслигимиз лозимки, Рамазон ойининг ҳар бир куни ва туни улуғдир. Шунинг учун ҳам бизлар мана бу кунларни ғанимат билган ҳолда, унда ибодат ва рўзалардан ташқари бошқа хайрли ва савобли ишларга ҳам кўпроқ эътибор қаратишмиз, кексаларни зиёрат қилиб дуоларини

олишимиз ночор оилалар бўлса уларга ҳам эътиборли бўлишимиз, ҳожатмандларнинг ҳожатларини чиқаришга ҳаракат қилишимиз ва шу каби савобни кўпайтирувчи ишларга интилишимиз, динимиз кўрсатмалариданdir.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини ривоят қилинади:

لَيْلَةُ الْقَدْرِ لَيْلَةٌ طَلْقَةٌ لَا حَارَّةٌ وَلَا بَارَدَةٌ تُصْبِحُ الشَّمْسُ يَوْمَهَا هَرَاءٌ ضَعِيفَةً (رواه ابن خزيمة).

яъни, “Қадр кечаси ойдин ва ёқимли бўлиб, на иссиқ, на совук бўлади. У кечанинг тонгида қуёш нурлари кўзни қамаштирмайдиган заиф ҳолда чиқади”.

**Муҳтарам жамоат!** Шундай экан, бу муборак кечанинг ҳар лаҳзасини ғанимат билиб кўпроқ савоб ҳосил қилишга уринайлик. Аллоҳ таолодан яхши ниятларимизни амалга оширишни, дуоларимизни қабул этишини ҳаммамизни тақдиримизни олий мақом этиб таъйин қилишни сўраб илтижо қиласайлик. Аллоҳ таоло барчаларимизга ушбу кечани муборак айласин, уни комил ибодатлар, мустаҳкам тақво ва чин ихлос билан қаршилаш, уни оят ва ҳадисларда кўрсатилганидай ўтказиш насиб этсин, омин!